
"Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида "Калдушон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ички йўллар равон бўлмоқда

"Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида "Калдушон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ички йўллар равон бўлмоқда

"Калдушон" маҳалла фуқаролар йиғинида 1 212 та хонадонда 5 544 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада 11 та - Шох, Боғ, Қумлоқ, Сой, Янги ҳаёт, Ёшлик, Обод, Иттифоқ, Узун, Тутмайизак, Тегирмонбоши кўчалари мавжуд.

"Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг ўтган йилги иккинчи босқичида маҳалланинг таъмирга муҳтож бўлган ички йўллари таъмирлаш билан боғлиқ ташаббуслари 3 121 та овоз билан ғолиб деб топилган эди.

Айни кунларда, ташаббус натижасида маҳалланинг Боғ, Сой, Қумлоқ, Ёшлик каби кўчаларининг 700 метр ички йўллари асфальтланмоқда.

Шунингдек, "Менинг йўлим" лойиҳасига маҳалланинг 5600 метр ички йўллари таъмирлаш юзасидан киритилган таклифга тўпланган овозлар сони маҳалла аҳлинининг уюшқоқлик ва баҳамжиҳатликдаги ҳаракатлари билан айни кунларда 10 мингдан ошган бўлиб, туман бўйича энг кўп овоз тўплаган таклифлар ичида яқка пешқадамлик қилмоқда.

бюджетлаштириш жараёнларида 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган туманимиздан қўшимча 11 та лойиҳа, жами 15 та лойиҳага 16 млрд. 894,8 млн. сўм маблағ йўналтирилиши белгиланган.

2023-05-04 21:34:45